

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ОЛИМПИА ШАҲАРЧАСИ ҚУРИЛИШINI БОШЛАБ БЕРДИ



9 ноябрь куни Тошкент шаҳрида Олимпия шаҳарчаси қурилишига тамал тоши қўйилди. Шу муносабат билан ўтказилган маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида барчани ушбу тарихий воқеа билан табриклаб, лойиҳанинг аҳамияти ҳақида гапирди.

— Бизнинг ўз йўлимиз, ниятларимиз, режаларимиз бор. Бугун қилаётган тарихий ишларимиз ўзининг катта натижасини беришига ишонамиз. Ана шу ишонч бизга куч-қудрат беради, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мамлакатимизда спортни оммалаштириш, спортчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Сўнгги беш йилда спорт соҳасига қарийб 4 триллион сўм йўналтирилиб, 118 та йирик иншоот фойдаланишга топширилди ва 110 таси реконструкция қилинди.

Эътибор ва шароит натижасида жорий йилнинг ўзида спортчиларимиз турли халқаро мусобақаларда мингдан зиёд медалларни қўлга киритди. Жумладан, Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида ўтган шахмат олимпиадасида миллий терма жамоамиз биринчи ўринни эгаллади. Туркиянинг Конья шаҳрида бўлган Ислон бирдамлиги ўйинларида эса вакилларимиз жами 158 та медал билан умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни олди.

Бундай натижалар туфайли спортчиларимизга дунё тан бериб, нуфузли халқаро мусобақаларни ўтказиш Ўзбекистонга ишониб топширилмоқда. 2021 йили Тошкентда оғир атлетика ва бу йил дзюдо бўйича жаҳон чемпионатлари юқори савияда ташкил этил-

ди. Келгуси йилда юртимиз бокс бўйича жаҳон чемпионати ҳамда қитъа миқёсидаги қўллаб-турнирларга мезбонлик қилади.

Қўтилаётган анжуманлардан энг нуфузлиси Ёшлар ўртасидаги Осиё ва Параосиё ўйинларидаги. Бу мусобақалар 2025 йилда Тошкентда ўтказилади. Унда қитъамиздаги 45 мамлакат ёшлари 20 га яқин спорт турлари бўйича беллашади.

Айтиш жоизки, бундай нуфузли халқаро мусобақа Ўзбекистон тарихида биринчи марта ташкил этилади. Уни юқори савияда ўтказиш мақсадида замонавий Олимпия шаҳарчасини қуриш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Давлатимиз раҳбари бу лойиҳа билан бир неча бор

танишиб, кўрсатмалар берган эди. Бу тавсиялар бош лойиҳачи — Хитойнинг “CAMC Engineering” компанияси билан такомиллига етказилди.

— Олимпия шаҳарчаси халқимизнинг юксак бунёдкорлик салоҳияти ва ўзбек спортининг оламшумул ютуқлари рамзига айланишига ишонаман. Бу маскан меъморий жиҳатдан мукаммал, энергиятежамкор ва энг илгор инновацион ечимларни мужассам қилган замонавий мажмуа бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ушбу лойиҳанинг қиймати 289 миллион доллардан зиёд. Шаҳарча майдони 100 гектар. Бу ерда 10 минг ўринли енгил атлетика ва футбол стадиони, 6 та ёпиқ ва 7 та очиқ спорт иншоотлари, сув спорти саройи, велотрек, яққақураш, жамоавий спорт мажмуалари барпо этилади.

Агар шонли тарихимизга назар солсак, ота-боболаримиз келгуси авлодлар учун улугвор иморатлар барпо этганига гувоҳ бўламиз. Биз ҳам аждодларимизнинг ана шундай эзгу анъаналарини муносиб давом эттириб, мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишларини амалга оширмоқдамиз. Албатта, бундай йирик лойиҳалар кўпчилигининг биргаликдаги сазй-ҳаракати, меҳнаткаш халқимизнинг фаол иштироки билан юзага чиқади, — дея таъкидлади Президент.

Шуни ҳам айтиш керакки, мажмуа мусобақалардан сўнг бўшаб қолмайди. Кейинчалик бу ерда Спортни ривожлантириш вазирлиги, спорт федерациялари ва Ўзбекистон давлат спорт академияси фаолият курсата бошлайди. Мажмуаларда юртдошларимиз ҳам спорт билан шугулланиши мумкин бўлади.

Тадбирда таникли спортчилар, федерациялар раҳбарлари, соҳа фахрийлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев Олимпия шаҳарчаси қурилишига тамал тоши қўйди.

— Мамлакатимизда ҳамма соҳаларда лойиҳалар, иморатлар кўпайяпти. Буларнинг замирида буюк халқимизнинг буюк меҳнати ётибди, буюк халқимизнинг нияти, эртанги кунга ишончи ётибди. Худо хоҳласа, бундай лойиҳалар яна кўп бўлади, — деди давлатимиз раҳбари.

Маросимда Осиё Олимпия кенгаши бош директори Ҳусайн ал-Мусаллам, Осиё Паралимпия қўмитаси президенти Маждид Рашид, “CAMC Engineering” компанияси бош директори Ли Хайсин, Ўзбекистон спорт ташкилотлари фахрийлари кенгаши раиси Баҳодир Махситов ва ёш спортчилар сўзга чиқиб, шаҳарчанинг бўлажак шароитлари ва аҳамияти ҳақида гапирди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ПРЕЗИДЕНТ САМАРҚАНДАГА ТАШРИФ БУЮРДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 9 ноябрь куни Самарқандга келди.

10-11 ноябрь кунлари бу ерда яна бир нуфузли халқаро анжуман — Туркий давлатлар ташкилоти саммити бўлиб ўтади.

Тадбир олдида, анъанадагидек, Имом Бухорий мақбараси зиёрат қилинди. Қуръон тиловат этилиб, дуо ўқилди.

Шавкат Мирзиёев Биринчи Президентимиз Ислон Каримов қабрини ҳам зиёрат қилди.

САМАРҚАНДАДА ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ САММИТИ БЎЛИБ ЎТАДИ

Жорий йилнинг 10-11 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида Туркий давлатлар ташкилоти мамлакатлари раҳбарларининг ййгилиши бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўтадиган тадбирда Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Саидир Жапаров ва Венгрия Бош вазири Виктор Орбан иштирок этади.

Шунингдек, Халқаро туркий маданият ташкилоти (ТУРКСОЙ), Туркий мамлакатлар Парламент ассамблеяси (ТУРКПА), Халқаро туркий академия, Туркий маданият ва мерос жамғармаси ҳамда ушбу кўп томонлама тузилманинг котибияти раҳбарлари қатнашиши режалаштирилган.

Саммит кун тартибидан иқтисодиёт, савдо, инвестиция, транспорт, инновация, экология, туризм, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ва кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш, ташкилот фаолиятини такомиллаштириш масалалари ўрин олган. Бу БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига тўлиқ мос келади.

Яқунда Самарқанд декларацияси ҳамда Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган бошқа муҳим қарор ва ҳужжатлар қабул қилиниши кўзда тутилган.

Ў.А.

МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА ИСТИҚБОЛЛИ ПЛАТФОРМА

Шу йил 10-11 ноябрь кунлари Самарқандда Туркий давлатлар ташкилотининг саммити бўлиб ўтади ва бу Ўзбекистоннинг мазкур халқаро тузилмага раислигини бошлаб беради.

Туркий давлатлар ташкилоти (аввалги номи — Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши) 2009 йил 3 октябрь куни Нахичеван (Озарбайжон) шаҳрида тасис қилинган. Ташкилот фаолиятининг ҳуқуқий асосини Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги битим (2009 йил 3 октябрдаги Нахичеван битими) ташкил этади.

Ташкилотнинг мақсади, аъзо давлатлар — Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия ва Ўзбекистон ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат. Халқаро тузилмага аъзо давлатлар олдида ҳамкорликни муҳофаза қилиш ва чуқурлаштириш учун майдонча шакллантириш ва уни ривожлантириш, туркий тилли мамлакатлар ўртасидаги яқин муносабатлар истиқболларини белгилаш, ўзаро ишонч, дўстлик, яхши қўшнчиликни мустаҳкамлаш, барқарорлик ва ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш, минтақада ва бутун дунёда хавфсизликни таъминлаш, умумий манфаатларга эга бўлган ташки сиеъат масалалари бўйича, шу жумладан, халқаро ташкилотлар ва халқаро форумлар доирасида келишилган позицияларни ишлаб чиқиш, халқаро терроризм ва сепаратизм, экстремизм, одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳаракатларни мувофиқлаштириш, наркотрафик ва трансмиллий жиноятларга қарши курашиш, сиёсий, ҳуқуқий мухофаза қилиш, ҳарбий-техник, савдо-иқтисодий, энергетика, транспорт, кредит-молиявий ва маданий-гуманитар соҳаларда минтақавий ва икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, савдо ва инвестициялар, товарлар, маблағлар, хизматлар ва технологияларнинг эркин ҳаракатланиши, молиявий ва банк операцияларини соддалаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш каби асосий вазифалар қўйилган.

Ишироқи давлатлар аҳоли турмуш даражасини юксалтириш мақсадида минтақада ҳар томонлама ва мутаносиб иқтисодий ўсишга, ижтимоий

ва маданий ривожланишга интилади, фан-техника, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ёшлар, спорт, туризм ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилади, туркий халқларнинг буюк маданий ва тарихий меросини тарғиб қилиш ва имомалаштиришда оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантиришга интилади.

ТДТ БМТ Низомининг мақсад ва тамойилларига ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа принциплари ва нормаларига, жумладан, суверен тенглик, ҳудудий яхлиллик ва халқаро миқёсда тан олинган чегараларнинг дахлсизлиги, ички ишларга аралашмаслик каби қадриятларга содиқдир.

ТДТнинг олий органи Давлат раҳбарлари кенгаши бўлиб, у ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарларининг мунтазам ййгилишлари шаклида фаолият юритади, долзарб халқаро муаммоларни ҳал қилишда ўзаро ҳамкорлик масалаларини кўриб чиқади, ўзаро муносабатларнинг устувор йўналишларини белгилайди, ташкилот фаолиятини таҳлил қилади.

Ташки ишлар вазирлари кенгаши ўз ваколатлари доирасида ТДТнинг жорий фаолиятини кўриб чиқади. Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисларида муҳокама қилиш учун энг долзарб халқаро масалаларни белгилайди, Котибиятнинг шотт жадавали ва молиявий иш хисоботини тасдиқлайди. Ташки ишлар вазирлари кенгашининг мажлислари, одатда Давлат раҳбарлари кенгаши мажлислари олдида ўтказилади.

Ташкилот таркибида Туркий тилли давлатлар оқсоқоллар кенгаши (Оқсоқоллар кенгаши) ва Котибият каби тузилмалар ҳам мавжуд. ТДТ шафелигида Халқаро туркий маданият ташкилоти (ТУРКСОЙ), Туркий мамлакатлар Парламент ассамблеяси (ТУРКПА), Туркий маданият ва мерос жамғармаси, Халқаро туркий академия, Туркий савдо-саноат палатаси, ТДТнинг Венгриядаги ваколатхонаси фаолият юритади.

➡ 2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИ СОДАДАЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг аниқ мақсад ва чегараларини белгилаш, тадбиркорлик субъектлари томонидан янги маҳсулот ва хизмат турларини жорий этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш орқали улар учун тартибга солиш юқини камайитириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги **“2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”**ги ПФ-60-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

- Адлия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда Савдо-саноат палатасининг давлат томонидан **тадбиркорлик фаолиятини факатгина қуйидаги воситалар орқали тартибга солиш** тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш; тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг айрим турлари бўйича лицензиялаш, рухсат бериш ҳамда хабардор қилиш тартиб-таомилларини жорий этиш; техник жиҳатдан тартибга солиш; тариф ва нотариф тартибга солиш; қонунда белгиланган тартибда тадбиркорлик субъектларининг жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш; давлат назорати; рақобатни ҳимоя қилиш; қонун билан тадбиркорлик субъектлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари жавобгарлигини ўрнатиш; ҳисоботларни жорий этиш;

ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилотга аъзолик (иштирок этиш) асосида ўзини ўзи бошқаришни жорий этиш.

(Давоми 2-бетда).



ЕХХТ БИЛАН АЛОҚАЛАР ЯНАДА ФАОЛЛАШАДИ

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Буюк Британия, Германия, АҚШ ва Франциянинг ЕХХТдаги дипломатик миссиялари раҳбарларидан иборат делегация билан учрашди.

Мулоқот

Мулоқот чоғида мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини, гендер тенгликни ҳамда ОАВ эркинлигини таъминлаш йўналишларида амалга оширилаётган ишохотлар ва демократик жараёнлар юзасидан фикр алмашилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг ЕХХТ билан ҳамкорлик масалаларига, ташкилот лойиҳаларини юртимизда амалга ошириш борасида қилинаётган ишларга атрофлича тўхталиб ўтилди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ЕХХТ Парламент Ассамблеяси билан ўзаро ҳамкорлиги сезиларли даражада фаоллашгани, муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилгани алоҳида таъкидланди.

ЕХХТ билан иқтисодий ва экологик

соҳадаги ҳамкорлик йўналишида фойдаланилмаган улкан салоҳият мавжуд экани, бу борада янги лойиҳаларни йўлга қўйиш лозимлиги қайда этилди.

Шунингдек, учрашув давомида меҳмонларга айни пайтда Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ишохотларнинг бориши, унда “Жамият — ишохотлар ташаббускори” госяи асосида кенг жамоатчилик фикри ва таклифлари инобатга олинаётгани ҳусусида маълумотлар берилди.

Мулоқот давомида келгуси йилда тарихда илк бор Ўзбекистонда ўтказиладиган ЕХХТ Парламент Ассамблеяси кузги сессиясини юқори савияда ташкил этиш юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Учрашув яқинида истиқболдаги режалар ва лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилишда алоқаларни янада мустаҳкамлашга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

ҲЕЧ КИМ МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ЭМАС

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ижтимоий ҳаётнинг барча соҳасида ҳимоя қилиш, уларнинг муаммоларига кенг жамоатчилик эътиборини жалб этиш Ўзбекистонда устувор мақсадга айланган. Хусусан, мамлакатимиздаги бир миллионга яқин жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган фуқаролар доимий давлат ҳимоясида.

Меҳр-мурувватли ва бағрикенг халқимиз

азал-азалдан ёрдамга муҳтож, имконияти чекланган инсонларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишни жамиятда тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган энг муҳим қадриятлардан бири сифатида эъозлаб келади. Ана шундай эзгу анъаналаримизни бугунги замон талаблари асосида ривожлантириш мақсадида сўнгги йилларда мамлакатимизда имконияти чекланган

фуқароларни қўллаб-қувватлаш, улар учун зарур барча шароитни яратиш борасидаги давлат сиёсати янги босқичга кўтарилмоқда.

Бунинг тасдиғини “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилингани, мамлакатимиз Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияга қўшилгани, соҳада мустаҳкам қонуний база яратилгани мисолида

ҳам кўриш мумкин. Шу асосда жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятдаги мавжуд имкониятлардан фойдаланиш, ҳаракатланиш, соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик, реабилитация, сиёсий-ижтимоий ҳаётда иштирок этиш билан боглиқ ҳуқуқлари таъминланмоқда.

➡ 4

ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ МЕҲНАТ КОДЕКСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛИНМОҚДА

Айни пайтда мамлакатимиз парламенти аъзолари ҳудудларда бўлиб, янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган турли тарғибот тадбирларида иштирок этмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Урганч шаҳрида ўтказилди.

Семинар

Семинарда Сенат аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Ёшлар ишлари агентлиги вакиллари, олимлар, соҳа мутахассислари ҳамда ОАВ ходимлари қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққан Сенатнинг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси раиси Баҳодир Тожиев Меҳнат кодексидан белгиланган ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий ҳимояси, уларнинг ҳамда иш берувчиларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича батафсил маълумот берди.

Хусусан, Кодексда ходимга айнан меҳнат шартномасида кўзда тутилган ишнинг тақдим этилишини кафолатлаш ва белгиланган меҳнат меъёрларига риоя қилиш, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид соладиган ҳар қандай вазият тўғрисида зудлик билан бевосита раҳбарга хабар бериш ва яна бир қатор масъулиятлар мустахкамланганлиги алоҳида қайд этилди.

Кодексда 50 дан ортиқ моддалар меҳнат муносабатларининг айрим жиҳатлари, субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш механизмларини янада тўлиқ очиб берувчи аниқлаштирувчи нор-

малар билан тўлдирилганлиги айтиб ўтилди.

Таъкидланганидек, мазкур ҳужжатда иш берувчининг асосий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгиланган. Жумладан, ходимни зарбдор меҳнати учун муқофотлаш, ходимдан иш берувчининг мулкига ҳурмат билан муносабатда бўлиш ва меҳнат қонунчилигига риоя этишини, жамоа битимлари, шартномалари ва қорхонанинг бошқа локал ҳужжатлари қоидаларига, меҳнат шартномаси шартларига риоя этилишини бўйича мажбуриятлари бажаришни талаб қилиш ҳуқуқлари янада мустахкамлаб қўйилганлиги таъкидланди.

Қолаверса, меҳнат муносабатлари вужудга келиши учун асослар кенгайтирилган. Яъни ишга қабул қилиш бўйича очик мустақил танловдан ўтиш, ходимни ваколатли давлат органи томонидан ишга юбориш, чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсни ишга қабул қилишда Ўзбекистон Республикасида меҳнат фаолиятини амалга оширишга оид ишлаш ҳуқуқини тасдиқлаш масалалари янада соддалаштирилган.

Ўз навбатида, тадбир иштирокчиларига соҳа мутахассислари томонидан янги таҳрирдаги Меҳнат кодексидан назарда тутилган бошқа нормалар бўйича ҳам батафсил тушунтиришлар берилди.

«Халқ сўзи».

Мулоҳаза



Бирок “Географик объектларнинг номлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги Қонун юқорида таъкидланган масалаларни ҳал этиш йўлидаги муҳим ҳуқуқий асос бўлди, десак, муболага бўлмайди.

Амалдаги қонун географик объектларга ном бериш ҳамда уларнинг номларини ўзгартиришда маҳаллий аҳолининг фикри давлат ва ҳўжалик бошқаруви ҳамда тегишли маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари томонидан ҳисобга олинишига тааллуқли янги 4-модда билан тўлдирилмоқда. Бунда географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисида тақлифлар келиб тушгандан сўнг кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйиш ва аҳоли фикрларини қўриб чиқиш учун тегишли комиссия қиритиш масалалари бўйича механизмлар очиб берилмоқда.

Амалдаги Қонуннинг 10-моддаси биринчи қисми аҳоли пунктларининг таркибий қисмлари (маҳаллалар, шўқўчалар, қўчалар, майдонлар, боғлар ва ҳиёбонлар) га ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш бўйича фуқаролар ташаббус кўрсатиши мумкинлиги тўғрисидаги жумла билан тўлдирилмоқда. Бундан келиб чиқадики, фуқаролар учун тегишли

ГЕОГРАФИК ОБЪЕКТЛАРГА НОМ БЕРИШДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Кейинги йилларда мамлакатимизда халқ билан очик мулоқот механизмларини янада такомиллаштириш, жамият ҳаётига оид муҳим ҳужжатлари жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда қабул қилиш амалиётини жорий этиш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада уддаланган ишлар бўйича қўллаб мисоллар келтириш мумкин.

монидан имзоланган “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”- ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги Қонун юқорида таъкидланган масалаларни ҳал этиш йўлидаги муҳим ҳуқуқий асос бўлди, десак, муболага бўлмайди.

Амалдаги қонун географик объектларга ном бериш ҳамда уларнинг номларини ўзгартиришда маҳаллий аҳолининг фикри давлат ва ҳўжалик бошқаруви ҳамда тегишли маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари томонидан ҳисобга олинишига тааллуқли янги 4-модда билан тўлдирилмоқда. Бунда географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисида тақлифлар келиб тушгандан сўнг кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйиш ва аҳоли фикрларини қўриб чиқиш учун тегишли комиссия қиритиш масалалари бўйича механизмлар очиб берилмоқда.

Амалдаги Қонуннинг 10-моддаси биринчи қисми аҳоли пунктларининг таркибий қисмлари (маҳаллалар, шўқўчалар, қўчалар, майдонлар, боғлар ва ҳиёбонлар) га ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш бўйича фуқаролар ташаббус кўрсатиши мумкинлиги тўғрисидаги жумла билан тўлдирилмоқда. Бундан келиб чиқадики, фуқаролар учун тегишли

шаҳар ва туман ҳокимликларига маҳаллалар, шўқўчалар, қўчалар, майдонлар, боғлар ва ҳиёбонларга ном бериш ёки уларнинг номларини ўзгартириш бўйича ташаббус билан чиқиш имконияти яратилмоқда.

Шунингдек, қўчалар, шўқўчалар, маҳаллалар, майдонлар, боғларга ва аҳоли пунктларининг бошқа таркибий қисмларига Ўзбекистон ёки жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг исми-шарифини беришга доир аниқлаштирувчи нормалар янги 10-моддада белгиланмоқда. Бунда Ўзбекистон ёки жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг исми-шарифини бериш уларнинг вафотидан кейин Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақлифига биноан мамлакатимиз Президентининг қарорига асосан ҳамда қоида тариқасида, номлари мавжуд бўлмаган аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига нисбатан амалга оширилиши белгилаб қўйилмоқда.

Мухтасар айтганда, мазкур қонун географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тизимини янада такомиллаштириш, ушбу жараёнда фуқаролар иштирокнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, давлат ва жамоат арбобларининг номларини абадийлаштириш мақсадида аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига уларнинг исми-шарифини бериш механизмларини аниқлаштириш имконини яратди.

Хайрулло ГАФФОРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари.

Ходимлар учун қўшимча имтиёزلардан яна бири — меҳнат таътилининг энг оз давомийли 21 календарь кунидан кам бўлмаслиги белгилаб қўйилгандир. Бунинг натижасида ҳозирги қонун бўйича 15 календарь кунидан иборат таътил оладиган ходимнинг таътили 4 календарь кунига ўзаяди. Бундан ташқари, ходимга у битта ташиклотда ёки тармоқда ишлаган ҳар беш йил учун давомийлиги икки календарь кун бўлган, бирок жами саккиз календарь кундан кўп бўлмаган ҳар йилги қўшимча меҳнат таътили берилади.

Давра суҳбатиде ходимлар манфаатига хизмат қилувчи, улар учун қулайликлар яратувчи шу каби яна кўплаб янгиликлар тўғрисида тушунтиришлар берилди.

Шунингдек, касаба уюшма ташкилотларига ҳар бир қорхона, ташкилот ва муассасада амал қилаётган жамоа шартномаларига янги Меҳнат кодексидеги нормалардан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича қўрсатмалар берилади.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

Ақмол МУҲАММАДОВ олган сурат.

КОНСТИТУЦИЯ – ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Давлатимиз раҳбари яна бир муҳим ҳужжат — “Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги” эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисидаги Фармонни имзолади.

Фикр



Таъкидлаш жоизки, Конституция давлат тузилишини, ҳокимият ва бошқарув органлари тизимини, уларнинг ваколати ҳамда шакллантирилиш тартиби, сайлов механизмлари, фуқароларнинг

ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ҳамда шахсининг ўзаро муносабатлари, шунингдек, давлат ва жамиятнинг ҳам бир-бири билан муносабатларини белгилаб беради.

Ортимиз тараққиётининг янги босқичида халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаёти учун ишончли кафолат бўлган Бош қомусимизни буғунги давр талабларига мос ҳолда, энг муҳими, фуқароларимиз хоҳиш-иродаси, фикри ҳамда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг бош мақсади бўлган “Инсон — жамият — давлат” тамойили асосида ҳақиқий халқ Конституциясига айлантириш ишлари изчил амалга оширилмоқда.

Хусусан, Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси давомида 150 мингдан ортиқ тақлифлар келиб тушди. Шу қуларда мазкур тақлифлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси масъул қўмиталари томонидан умумлаштирилиб, Конституциявий қонун лойиҳаси маромига етказилмоқда. Унинг матни лўнда, аниқ, оддий ва раvon тилда, нормаларни турлича изоҳлашни истисно этадиган тарзда, юридик атамашуносликка риоя қилинган ҳолда баён этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Фармонда “Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги” эсдалик нишонини билан қиллар тақдирланиши ҳам белгилаб берилмоқда. Ушбу эсдалик нишон билан мамлакатимиз мустақиллигини мустахкамлаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий, маънавий салоҳиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган юртдошларимиз, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкинлиги белгилаб қўйилмоқда.

“Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги” эсдалик нишони Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки унинг номидан Олий Мажлис Сенатининг Раиси, Қонунчилик палатасининг Спикери, Бош вазир, вазириликлар, идоралар, жамоат бирлашмалари ва республиканинг бошқа органлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, шунингдек, шу ишга вакил қилинган бошқа шахслар томонидан Конституциямиз қабул қилинган кун муносабати билан жойларда ўтказиладиган тадбирларда тантанали вазиятда топширилиши қайд этилди.

Мавжуда ҲАСАНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

ИНСОН ҚАДРИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЎЗГАРИШЛАР

Инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш ишларини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган яна бир муҳим тадбир — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўртасида Ҳамкорлик меморандумини имзолашга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Анжуман

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг асосий мақсад ва вазифалари фуқаролар, шу жумладан, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир. Шу маънода, иккала ташкилот ўртасида Ҳамкорлик меморандумининг имзоланиши сўзсиз, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш йўналишидаги ишларни янги босқичга олиб чиқади. Зеро, ҳамжиҳатликдан кўзланган мақсад ҳам меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари самарадорлигини ошириш ва меҳнат ҳуқуқлари поймол этилишининг олдини олишга қаратилган.

Рақамларга мурожаат қилсак, ўтган беш йил давомида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига меҳнаткашлардан

24 мингдан ортиқ мурожаатлар келган бўлса, уларнинг 18 минг 359 таси қаноатлантирилди. Натижада, ходимларга ўз вақтида тўланмаган 14 миллиард сўмдан ортиқ иш ҳақи ҳамда 9 миллиард сўмдан зиёд моддий ва маънавий зарарлар ундирилиб берилишига эришилди.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили томонидан ҳам жорий йилнинг 9 ойи давомида фуқаролар мурожаатлари ўрганилиши натижасида жами 338 млн. сўмдан ортиқ маблағ фуқаролар фойдасига ундириб берилган. Хусусан, иш ҳақи ва меҳнат муносабатлари билан боғлиқ тўловлар бўйича қарийб 220 млн. сўм ундирилган.

Тадбирда мазкур меморандум нафақат марказий ташкилотлар, балки Омбудсманнинг вилоятлардаги минтақавий вакиллари ҳамда Касаба уюшмалари Федерациясининг ҳудудий Кенгашлари ўртасида ҳам шу каби меморандумлар имзоланишига келишиб олинди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги



роларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоялашга хизмат қилиши қайд этилди.

Бундан келиб чиққан ҳолда Омбудсманнинг минтақавий вакиллари билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳудудий Кенгашлари ўртасида ҳам шу каби меморандумлар имзоланишига келишиб олинди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги

Меҳнат кодексига ходимлар манфаатлари ҳимоясини кучайтириш бўйича қиритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мазмун-моҳиятига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Таъкидланганидек, мазкур Кодексда амалдагисидан кўра қўпроқ ходимларга кафолатлар ва имтиёزلарни белгилувчи қатор нормалар мавжуд. Хусусан, унинг 113-моддасида кўнудзги ўқитиш шакли бўйича таълим олаётган шахслар билан ҳам муддатли меҳнат шартномаси ту-

зилиши мумкинлиги белгиланиши, амалиётда қўллаб учраётган “Олий ўқув юртида кўнудзги бўлимда ўқиётганларни ишга қабул қилса бўладими?” деган саволга аниқ жавобдир.

Шунингдек, янги Меҳнат кодексига мувофиқ эндиликда нафақат 3 ёшга тўлмаган фарзанди бор оналарга, балки 3 ёшга тўлмаган болани ёлғиз ўзи тарбиялаётган отани ишга қабул қилишда ҳам дастлабки синов белгиланиши мумкин эмас.



Парламент комиссиясининг 2022 йил 26 октябрдаги 28-сонли қарорига 1-илова

Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди «Ёшларнинг маънавий-руҳий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш» мавзусида бешинчи давлат грантларни ажратиш учун танлов эълон қилади

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги мақсадларни назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни қабул қилинади:

- Маҳаллада **“Бир нуруний ўн ёшга масъул”** тамойилини қарор топтиришда ижтимоий шериклики кучайтириш;
- Меҳнат фахрийларининг ёшлар тарбиясидаги ролини ошириш, тинчлик ва оқоийшталликни таъминлаш ва ижтимоий-маънавий муҳитини соғломлаштиришда уларнинг иштирокини кенгайтириш;
- “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин”** шиорини амалга оширишда ёшларнинг иштирокини юксалтириш;
- Маҳаллаларда давлат хизматларини кўрсатиш устидан нурунийларнинг жамоатчилик назоратини шакллантиришда ижтимоий шериклигини кучайтириш;
- Ижтимоий эҳтиёжманд оилалар фарзандларини миллий ва умуминсоний қадриятлари асраб-авайлаш, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга қўмаклашиш;
- Маҳаллаларда ўзгаларнинг парварисиға муҳтож шахсларни қўллаб-қувватлашда ёшлар етакчиларининг **“ёшлар волонтерлик”** гуруҳлари билан ижтимоий шериклигини кучайтириш;
- Ёшларни замонавий ва анъанавий меҳнат фаолияти турларига жалб қилиш орқали бандлигини таъминлаш;
- Маҳалла ва таълим масканларида **“волонтер нуруний”**лар гуруҳлари фаолиятини ёшларнинг миллий ва умуминсоний қадриятлар

ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялашга йўналиштириш;

9. Ижтимоий-иқтисодий муаммолари кўп бўлган ҳамда олис ва табиий иқлим шароити оғир маҳаллаларда **“Беш ташаббус”** тамойилларини кенг жорий этиш;

10. Маҳаллаларда **“Ватан таянчи”** болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракатини йўлга қўйишда ижтимоий шерикликини кучайтириш;

11. **“Жаҳолатга қарши маърифат”** таъмоийли асосида ижтимоий-маънавий муҳитини соғломлаштиришда ижтимоий шерикликини кучайтириш.

Давлат гранти ажратиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган қузуват хати.
- www.fondngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза.
- Охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилот ва фуқаролик жамияти бошқа институтининг Устави (Низоми) ҳамда гувоҳномасининг нусхалари.
- Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси.
- Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияси ҳамда қўллаб-қувватлаш хатлари.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 100 миллион сўмгача.



Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди 2022 йилда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасида муҳим ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга оширишга давлат ижтимоий буюртмаларини тақдим этиш учун қайта танлов эълон қилади

№	Давлат органлари фаолиятининг устувор йўналишлари, давлат ижтимоий буюртмасининг мақсад ва вазифалари	Буюртмачи давлат органи	Ажратилган маблағ (млн.)
I. Жамиятда соғлом турмуш тарзини ва ижтимоий туризмни тарғиб этиш, аҳоли турмуш сифатини оширишга қўмаклашиш.			
1.	Устувор йўналиш: туризм соҳасида тадбиркорлик фаолиятини оширишга қўмаклашиш. Мақсад: худудларининг туризм потенциалидан келиб чиқиб, гидлар ва экскурсоводларнинг малака ва салоҳиятини ошириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш. Вазифалар: - Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида экологик, экстремал ва тоғ туризми бўйича 5 та ўқув марказини ташкил этиш; - маҳаллий экскурсоводлар ва гидлар ҳақида маълумот бериш, онлайн мулоқот майдони учун инглиз, рус, араб ва ўзбек тилларида хизмат кўрсатувчи веб-сайт яратиш ; - ҳар йили 300 нафар маҳаллий гид ва экскурсовод тайёрлаш, уларни туристлар билан онлайн мулоқотини йўлга қўйиш ва бандлигини таъминлаш.	Туризм ва маданий мерос вазирлиги	500,0
2.	Устувор йўналиш: туризм объектларини давлат-хусусий шериклик асосида самарали бошқариш ҳамда соҳага замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, туризм соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ошириш. Мақсад: Ўзбекистонда маҳаллий ва хорижий сайёҳларга зиёрат туризми бўйича ишончли ва тўлиқ маълумотларни етказиш. Вазифалар: - “Олтин силсила халқа” си мавзусида Нақшбандия тариқатининг намояндалари ҳақида электрон маълумотлар базасини яратиш; - Бухоро шаҳри, Ғиждувон, Шофиркон, Вобкент, Ромитан, Когон, Денов, Олтинсой ва Китоб туманлари ҳамда Самарқанд шаҳрининг зиёрати туризм салоҳиятини кенг тарғиб этиш; - туризм ярмаркалари ва кенг қўламли тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш, дипломатик корпусларни ва халқаро ҳамкорларни жалб қилиш; - “Жаҳон мусулмон саёхат индекси” рейтингида Ўзбекистоннинг ўрнини янада яхшилаш.	Туризм ва маданий мерос вазирлиги	300,0
Жами 2 та давлат ижтимоий буюртмаси			800,0

Ижтимоий аҳамиятга молик бўлган лойиҳани амалга оширишда давлат ижтимоий буюртмасининг шартлари:
- ижрочи-ташкилот белгиланган тартибда ННТ сифатида рўйхатдан ўтган бўлиши зарур;
- давлат ижтимоий буюртмасини бажариш доирасида амалга оширадиган фаолиятнинг ижрочи-ташкилотнинг уставидаги вазифаларга мувофиқ келиши;
- ижрочи-ташкилотда лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган қадрлар ва техник имкониятнинг мавжудлиги;
- ижрочи-ташкилотда ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар ва дастурларни муваффақиятли амалга ошириш борасидаги тажрибанинг мавжудлиги;
- лойиҳани амалга ошириш ҳақидаги шартномани сифатли ва ўз вақтида бажариш, уни амалга ошириш вақтида ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланишни, очкилик ва ошқораликни таъминлаш,

амалдаги қонун ҳужжатларига тўлиқ риоя этиш.
Давлат ижтимоий буюртмаси берилиши учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши зарур:
ариза тақдим этаётган ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини раҳбари имзоси ва муҳр билан тасдиқланган қузуват хати;
www.fondngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат ижтимоий буюртмаси лойиҳаси учун ариза;

Ҳужжатлар **2022 йилнинг 30 ноябргача** қабул қилинади. Тақдим этилган муҳим ижтимоий аҳамиятга бошқа институтларининг Устави (Низоми) нусхаси; таъкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси;
агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.

Охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг Устави (Низоми) нусхаси;

таъкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси;
агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.

Ҳужжатлар **2022 йил 30 ноябргача** қабул қилинади.
Ҳужжатлар **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди** номига “Ўзбекистон почтаси” орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдор шоҳқўчаси, 1-уй.
Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг www.fondngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.
Маълумот учун телефонлар: 71-239-26-76, 71-239-26-86.

ҲЕЧ КИМ МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ЭМАС

Шу йилнинг 12 октябрыда бу борада яна бир муҳим қадам ташланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ногиронлиги бўлган шахслар жамиятларига тегишли ташкилотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига қўмаклашишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарорнинг номидан ҳам кўриниб турибдики, мақсад — ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт сифати ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмаларига қарашли юридик шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимлиги шакллантириш бўйича ишларни изчил давом эттириш.

Қарорга биноан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 апрелдаги қарорининг 2-бандида бюджет буюртмачилари учун назарда тутилган чекловлар Электрон кооперация порталида рўйхатдан ўтган, ҳодимлари умумий сонининг камида 50 фоиз ногиронлиги бўлган шахслардан

гани ҳам ногиронлиги бор инсонларни ижтимоий ҳимоя қилиш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

2023 йил 1 январга қадар ягона иш-тирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар ҳамда улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг ягона реестри юритилиши белгиланмоқда. Мазкур реестр Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг расмий веб-сайтида юритилади, шунингдек, Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги билан ўзаро электрон маълумотлар алмашинуви асосида шакллантирилади ва янгиланб борилади.

Яна бир янгилик тадбиркорлик субъектлари томонидан иш ўринлари ва шaroитларни ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштириш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратишда ногиронлиги бўлган шахслар банд бўлган иш ўринларининг меҳнат шaroитлари юзасидан давлат экспертизаси ҳулосасини талаб этиш тартиби бекор қилинаётгандир. Шунингдек,



Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида “Имкониятлар маркази” фаолиятини ташкил этиш учун Нукус туманидаги Кердер саноат транспорт касб-ҳунар коллежи ва Тошкент шаҳрининг Утепа туманидаги “Ишга марҳамат” мономарказидан зарур хоналар ажратилмоқда.

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1992 йил 14 октябрдаги резолюциясига мувофиқ ҳар йилнинг 3 декабрь санаси бутун дунёда Халқаро ногиронлар куни сифатида нишонланиб келинади. Президентимиз 2021 йил 3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни муносабати билан Ўзбекистон халқига мурожаат қилди. Давлатимиз раҳбарининг дунёда биринчи бўлиб шундай ташаббус билан чиқиши халқаро майдонларда кенг эътироф этилди.

Инсон қадри улуғланган юрт

Чиндан ҳам, республикада барпо этилаётган янги, эркин ва демократик давлатда жамиятнинг ҳар бир аъзоси билим олиш, замонавий касб-ҳунарларни эгаллаш, ўз истеводда қобилиятини рўёбга чиқариш, меҳнат билан банд бўлиш учун зарур имкониятларга эга бўлиб борапти.

Имконияти чекланган фуқаролар учун яратилаётган шaroитлар ҳақида гапирганда, сўнгги йилларда пенсия ва нафақа олувчи ногиронлиги бўлган шахслар сони 100 минг нафарга кўпайиб, қарийб 2 баробар ошганини таъкидлаш лозим. Шунингдек, ҳудудларда “Саховат ва кўмак” умумимиллий ҳаракати доирасида ҳамда “темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари”га киририлган имконияти чекланган юрtdошларимизга манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизими йўлга қўйилди. Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳаётга мослаштириш ва ижтимоий реабилитация қилиш борасида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, кейинги йилларда 27 та тиббий-ижтимоий муассаса реконструкция қилиниб, замонавий талабларга мос бўлган 1,5 мингта даволаш-реабилитация ўрни фойдаланишга топширилди.

Ана шундай фуқароларга бепул бериладиган протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларининг рўйхати 22 турдан 27 тага қўпайтирилди. Хусусан, 2021 йилнинг ўзига ногиронлиги бўлган болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида улар бюджет маблағлари

хисобидан қарийб 40 миллиард сўмлик протез-ортопедия ва реабилитация мосламалари, кохлеар имплантлар ҳамда бошқа махсус буюмлар билан таъминланди.

Бундан ташқари, халқ таълими тизимида инклюзив таълимни ривожлантириш дастурини амалга ошириш ишлари бошланди, 300 дан ортиқ мактабларда имконияти чекланган болаларнинг билим олиши учун зарур шaroитлар яратилди.

Бундай имкониятларга жавобан ногиронлиги бўлган матонатли йигит-қизларимизнинг жаҳон майдонларида юқори натижаларни кўлга киритаётгани барчамизга кескиз ифтихор бағишлайди. Жумладан, ўтган йили Токиода ўтказилган Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон вакиллари 8 та олтин, 5 та кумуш ва 6 та бронза медалларини кўлга киритган бўлса, бу йил Туркияда ўтказилган Ислом бирдамлик ўйинларида ҳам паралимпиячиларимиз юксак марраларни забт этгани таҳсинга сазовор.

Ҳаётнинг бошқа соҳаларида ҳам юксак марраларни эгаллашга қодир ногиронлиги бўлган кишиларнинг ўз қобилият ва имкониятларини тўлиқ намойён этиши, ҳаётда ўзининг нуносиб бўлини топишига қўмаклашиш бундан бунён ҳам юртимизда устувор вазифа бўлиб қолаверади. Энг муҳими, мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларга “муаммоси бор инсонлар” деган қарашдан воз кечилди. Барча даражадаги давлат идораларига имконияти чекланган фуқароларни улар учун мос келадиган ишга қабул қилишда устулик ва имтиёз ҳисилмоқда. Бундан ташқари, тадбиркорларнинг ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилиш борасидаги ташаббуслари қўллаб-қувватланиб, уларни рағбатлантириш чоралари кўрилади. Жумладан, бундай тадбиркорлар ва ишга қабул қилинган фуқароларга қўшимча солиқ имтиёзлари берилади ва давлат томонидан субсидиялар ажратилади. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг саломатлигини асраш, уларга тиббий хизматлар кўрсатиш ишлари тизимли равишда давом эттирилмоқда.

Имконияти чекланган фуқаролар мамлакатимизнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётида фаол қатнашиши учун “тўқсизга муҳит”, яъни қулай шaroит яратилади. Жумладан, янги барпо этиладиган давлат идоралари бинолари, ижтимоий объектлар, бог ва парклар, жамоат транспортда махсус инфратузилма яратиш, давлат хизматлари кўрсатиш тизимини ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштириш бўйича чоралар кўрилади. Улар учун махсус ахборот порталлари, телекўрсатувлар, адабиётлар ва кутубхоналар сони кўпайтирилади.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудидан барпо этилаётган “Янги Ўзбекистон” даҳаларида ногиронлиги бўлган шахсларга уй-йой шaroитларини яхшилаш учун субсидия ва имтиёзли кредитлар берилмоқда. Энг муҳими, барча даражадаги раҳбарлар ва давлат идоралари масъуллари томонидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал қилиш бўйича доимий мулоқот тизими йўлга қўйилди.

Мухтортон ТОШХҲАЕВ,
Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси раиси.

10 ноябрь — Бутунжаҳон ёшлар куни

БИЛИМЛИ ВА ЮКСАК САЛОҲИЯТЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҲАР ҚАНДАЙ МАМЛАКАТНИНГ ТАЯНЧИДИР

Ёшлик — умр фасллари ичида энг жўшқин, шижоатга тўла, ранг-баранг фасл саналади. Унинг ҳар бир куни яратувчанлик, завқу шавққа тўладир.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда ёшларга Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо ҳазинаси сифатида қаралади. Давлатимиз томонидан навқирон авлод вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Юксак эътибор ва ғамхўрлик оғушида камол топаётган йигит-қизлар ҳам шунга нуносиб жавоб қайтаришга астойдил интилмоқда.

Бутунжаҳон ёшлар куни муносабати билан Ўзбекистонда амалга оширилаётган ёшлар сиёсати, унинг ўзига ҳосилги ва навқирон авлод камолотидаги аҳамияти ҳақида хорижлик йигит-қизларнинг фикр-мулоҳазаларини ёзиб олдик.

Нуроно НУР,
Озарбайжон
Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси:

— Бутунжаҳон ёшлар куни қалби орзуга, эзгу мақсаду режаларга тўла ҳар бир ёшнинг байрамидир. Ушбу кун Бутунжаҳон демократик ёшлар федерацияси ташкил этилганлиги шарафига таъсис қилинган. Ушундан бери ёшлар ташкилотларининг мазкур уюшмаси сиёсий ва диний қарашла-

ри, ирқи ва миллатидан қатъи назар, бутун дунёдаги ёшларни бирлаштирган халқаро демократик ёшлар ҳаракати марказига айланди.

Ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан шакллантириш, юрт равнақи, эл фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилишга ўргатиш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ҳамда муҳаббатни шакллантириш ҳар бир мамлакатнинг асосий вазифасидир.

Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоиздан ортигини ёшлар ташкил этади. Шунинг учун ҳам мамлакатда амалга оширилаётган барча ижобий ўзгаришлар замирида ҳар томонлама баркамол — жисмонан соғлом, ақлан етук, нафақат билимларни, ҳозирги даврда талаб катта бўлган касб-ҳунарларни эгаллаган, мустақил ва ижодий фикрлашга қодир, интеллектуал салоҳияти юксак ёш авлодга

ғамхўрлик қилишдек устувор мақсад муҳассам.

Ишбулай ЁРУФ,
Истанбул
университети
талабаси (Туркия):

— Ёшларнинг билим даражаси, касбий малакаси, маънавий ва руҳий баркамоллик каби фазилатлари, ижтимоий сифатлари бутун жамиятнинг ривожланиш динамикасига салмоқли таъсир кўрсатади. Қайси мамлакатда ёш авлодга ғамхўрлик асосий ва устувор вазифа қилиб белгиланса, бу юртининг эртаси ёруғ дея бемалол айта олиш мумкин. Зеро, жамиятда лаёқатли, ишбилармон, етук кадрларга ҳамisha зарурат туғилади. Отабоболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маъ-

рифат, таълим-тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шarti деб билган.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда навқирон авлоднинг муҳим ҳаётий масалаларини ҳал этишга қаратилган давлат сиёсати изчил амалга оширилаётгани туфайли мамлакат ёшлари барча соҳада улкан ютуқлари кўлга киритилмоқда.

Истардимки, келажакда ҳам Ўзбекистон ёшлари улкан марраларни забт этсин, бунга гувоҳ бўлган биз — қардош ёшлар ҳам уларнинг муваффақиятидан қувониб, “Ўзбекистонлик чемпион менинг дўстим, қадрдоним” дея фахрланиш насиб қилсин.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ
«Халқ сўзи» ёзиб олди.

Нуктаи назар

ДАВЛАТ ВА ХУСУСИЙ ТАЪЛИМ ТЕНГЛИГИ КАФОЛАТЛАНМОҚДА

Таълим соҳасидаги ислохотлар мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг узвий ва ҳал қилувчи йўналишларидан бири ҳисобланади. Мамлакат тараққиёти йўлида қандай теран дастурлар тузилмасин, бу режаларни бажариш учун зарур моддий база ва имкониятлар яратилмасин, бунинг учун қанча кўп сармоя сафарбар этилмасин, буларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган куч — бу юқори малакали мутахассислар. Зотан, юксак иқтисодий тараққиётга, фаровон ҳаётга таълим соҳасини тубдан ўзгартирмасдан эришиб бўлмаслиги айна ҳақиқат.



Албатта, ҳар қандай мамлакат учун давлатдаги таълим тизимининг қай ҳолатда эканлиги ва қандай кадрлар келажакда тайёрланиши муҳим аҳамиятга эга. Дейлик, ҳозирда Ўзбекистон таълим соҳасига йўналтирилаётган харажатларнинг кўп қисми Давлат бюджетти маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмоқда. Инновацион иқтисодиёт тараққий этиб, аҳоли даромадлари ва таълим тизимининг инсон ҳаётидаги ўрни ошиб бораётган экан, юртимизда давр талабига жавоб берадиган давлат таълим муассасалари билан бир қаторда, хусусий таълим муассасалари ҳам кўпайиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, бевосита рақобатнинг қучайишига, давлатнинг таълимга ажратаётган маблағларидан самарали фойдаланилишига ҳамда янги молиялаштириш манбаларини амалиётга татбиқ этишга хизмат қилаётир.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги жадал ислохотлар жамиятнинг барча жаҳасини қамраб олган бўлиб, жумладан, таълим соҳасида ҳам тўб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Айни чоғда таълимдаги кенг қамровли ислохотларга аҳоли турли қатламларининг муносабати ҳам ҳар хил кўринишда намойён бўляпти. Айниқса, мамлакатимизда энди ривожланиб келаётган хусусий таълимга жамиятимизда мустақкам ишонч шаклланмоқда. Ҳолбуки, бундан бешолти йил муқаддам хусусий таълим сектори ривожига эътибор йўқ ҳисоби эди. Таълимга бўлган бундай ишонсизликнинг илдици собиқ шўролар даврига бориб тақалади.

Бизга маълумки, совет мафқурасининг бир нечта катта камчилиги бўлиб, улардан бири хусусий мулкнинг инкор этилиши эди. Мамлакатимиз мустақиллигига эришгач, бу камчиликлар босқичма-босқич бартараф қилинди. Мулк хилмахилини ривожлантириб, хусусий мулкчиликка кенг имкониятлар яратилди. Жумладан, хусусий мулк эгалари, мулкдорлар синфи шаклланди. Биргина мисол, ҳозирги кунда меҳнат яроқли аҳолининг 80 фоиздан ортиги нодавлат секторда меҳнат қилимоқда.

Бироқ шундай даврлар ҳам бўлдики, таълим соҳасида олиб борилган ишларда кўпроқ шаклга эътибор берилди, лицей, коллежлар учун кўркам бинолар қурилди, аммо таълим сифати, мазмуни эътибордан четда қолди. Таълим муассасалари ўртасида рақобат муҳити яратилмади, илм-фан қадрсизланди, қозғобозлик авжига чиқди, ўқитувчиларнинг моддий таъминоти ва ижтимоий мақоми тушиб кетди.

Бугунги кунда Ўзбекистон янги даврни бошдан кечирмоқда. Жамиятимизнинг барча соҳасида жадал ўзгаришлар амалга оширилляпти, очиклик, фикрлар хилмахилилиги, қонун устуворлиги таъминланмоқда, одамларда ишонч руш пайдо бўлди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бевосита раҳнамолигида давлатнинг таълимга бўлган муносабати тубдан ўзгарди.

Умуман, таълим соҳасида катта ўзгаришлар юз берди, мактаб яна 11 йиллик тартибга ўтди, мактабгача таълим тизими янгидан яратилди, қўллаб олий таълим муассасалари, жумладан, хорижий давлатлар билан ҳамкорликда олий ўқув юртлари ва уларнинг филиаллари очилмоқда.

Таълим соҳасининг долзарб масалаларидан бири — бу мамлакатимизда нодавлат, хусусий таълим тизимини ривожлантиришдир. Юқорида таъкидлаганимиздек, фақат бюджет таъминоти асосида таълим тизимини ривожлантириш мурраккаб масала, барча тараққий топлан мамлакатлар таърибаси ҳам шунини кўрсатадики, таълимда давлат-хусусий шериклик тизими ўзини оқлаб келмоқда. Хусусан, аксарият ривожланган давлатларнинг таълим тизими бевосита нодавлат таълим тизими равнақи билан боглиқ. Бунга сабаб рақобатнинг қучайиши ортидан илгор таълим технологиялари ва ресурсларининг соҳага айнан нодавлат таълим ташкилотлари орқали фаол тарзда кириб боришдир.

Маълумотларга кўра, бугунги кунга келиб республика бўйича хусусий боғчалар 2 243 тани, хусусий мактаблар 334, нодавлат олий таълим ташкилотлари эса 53 тани ташкил этмоқда. Нодавлат таълим ташкилотлари сонининг ошиши ортидан улар ўртасида рақобат муҳити ҳам шаклланмоқда. Таъкидлаш жоизки, соғлом рақобат, бу — соҳада таълим сифати, маданиятини шакллантирувчи, ўзини ўзи ривожлантиришга муҳит яратувчи кўринмас куч. Қолаверса, хусусий сектор давлатнинг таълим хизматлари билан таъминлаш юқининг бир қисминини ўзига олган ҳолда аҳолининг таълим олишига

бўлган эҳтиёжларини қондирмоқда.

Сўнгги беш йилда таълим тизимида амалга оширилган ислохотлар натижасида нодавлат таълим фаолиятини ташкил этиш учун қўйилган талабларда ҳам бир қатор ўзгаришлар бўлди. Жумладан, 2017 йилга қадар нодавлат таълим йўналишида фаолият кўрсатишни истаган тадбиркорлар 9-10 та ҳужжат тақдим этиши керак эди, эндиликда эса ушбу ҳужжатлар сони қисқартирилиб, 5 тани ташкил қилмоқда. Шунингдек, бугунги кунда янги тизим ишга туширилган бўлиб, тадбиркор лицензия олиш учун мурожаат қилган бўлса, ҳужжатларида ҳеч қандай камчилик аниқланмаса, тизим орқали 15 иш куни давомида инсон омилиси, автоматик тарзда лицензия берилади.

Рақамларга мурожаат қилсак. Ҳозирги кунда боғчалар сони кўпайиб, нодавлат секторининг улуши 2017 йилдаги 0,01 фоиздан 33,7 фоизгача ошди, мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклигининг 10 хил шакли ишлаб чиқилиб амалда татбиқ этилишига эришилди. Бу йил эса жами 1,3 мингта, жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида 10 000 ўринли 100 та йирик лойиҳани амалга ошириш ҳамда 35 000 ўринли 1,2 мингта оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотини ташкил этиш режалаштирилган. 2022 йил 1 октябрь ҳолатига кўра 1 031 та, хусусан, 10 700 ўринли 119 та давлат-хусусий шериклиги асосидаги йирик лойиҳа ҳамда 44 987 ўринли 912 та оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти ташкил этилди.

Янги очилаётган нодавлат олий таълим муассасаларининг аксарияти иқтисодиёт, менежмент, маркетинг каби йўналишларга ихтисослаштирилмоқда. Сабаби бундай таълим муассасасини очишга сарф этиладиган харажатлар оз миқдорни ташкил қилади. Энг қизиги, ҳам ҳам ўзини оқламаслиги мумкин. Бугун замон руҳидан келиб чиққан ҳолда талабаларни ишлаб чиқишнинг лозим. Айтайлик, нанотехнологиялар, қишлоқ ҳўжалиги ва АКТ соҳалари йўналишларида нодавлат олий таълим муассасаларини очиш мақсадаги мувофиқ.

Эътиборлиси, хусусий таълим муассасаларида кам таъминланган оилаларнинг иқтидорли болалари учун бепул 10 фоизлик қвотларнинг давлат томонидан белгилаб қўйилиши, мамлакатимизда иқтидорли ёшларнинг сифатли таълим олиши учун яратилган яхши имкониятдир.

Шу ўринда мамлакатимизда хусусий таълимни ривожлантириш, давлат ва нодавлат таълим муассасаларида бир хил имконияти яратиб беришнинг самараси борасида баъзи мулоҳазаларимизни келтириб ўтсак. Биринчидан, бу билан таълим муассасалари ўртасида рақобат муҳити пайдо бўлади, рақобат эса соҳани ривожланишига, таълим сифатининг ошишига олиб келади.

Иккинчидан, бюджет юки камаяди, давлат таълим муассасаларига эса кўпроқ маблағ ажратила бошланади, натижада давлат ўқув масканларида умумий шароит яхшилана боради, ўқитувчиларнинг маошини ошириш, синфда болалар сонини камайтириш каби имкониятлар кўпаяди.

Учинчидан, жамиятимизда чуқур илдиэ отиб кетган коррупция балосини камайтиришга ёрдам беради.

Тўртинчидан, билимли, маҳоратли педагоглар кўпаяди. Негаки, уларга эҳтиёж қучаяди, малакали ўқитувчиларнинг рейтингига қараб маоши ҳам ошиб бораверади, жамиятда ўқитувчи яна ўзининг юксак мақомига эга бўлади.

Бешинчидан, профессионал ўқитувчилар қанча кўп бўлса, билимли инсонлар шунча кўпаяди ва пировардида жамият ривожланиши ортидан ҳаётимиз янада фаровон бўлади.

Бундан ҳулоса шуки, Бош қомусимизга давлат мактабгача таълим, мактаб ва олий таълим тизимини, турли мулк шаклидаги, жумладан, хусусий таълим муассасаларини ривожлантириш учун зарур шaroитлар яратиб берилиши билан боглиқ нормалар киритилиши лозим. Айни чоғда педагог ҳодимларнинг касбий фаолиятига аралашош, уларнинг хизмат мажбуриятларини бажаришига тўқсинлик қилишга йўл қўйилмаслиги Конституция даражасида белгиланб қўйилаётгани, ўйламанки, бу ҳам адолатдан бўлади.

Собитжон ТУРҒУНОВ,
Наманган давлат университети ректори,
педагогика фанлари доктори, профессор.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Академик С.Ю.Юнусов номидagi Ўсимлик моддалари қимёси институти жамоси институтнинг Фармакология ва токсикология бўлими етакчи илмий ҳодими, биология фанлари доктори, профессор
Зайнаб УШВАКТОВАнинг
вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1148. 13 670 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзловна 71-232-11-15.



“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.25 Топширилди — 01.25 1 2 3 4 5 6